2012 йил 14 декабрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 243 (12.304)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.***

Д.Козакнинг мамлакатимизга ташрифи давомида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур комиссия иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг жорий масалаларини ҳал этиши, шу билан бирга, ҳамкорлик учун янада қулай шароит яратишга кўмаклашиши лозимлигини таъкидлади.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ўтказилган музокараларда Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро товар айирбошлашни тубдан диверсификация қилиш ва сармоявий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидладилар. Музокаралар якунлари бўйича ҳамкорликнинг янги босқичдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасида товар айирбошлашнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Масалан, 2011 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 6,668 миллиард АҚШ долларини, жорий йил январь-сентябрь ойларида 5,580 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Россия сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Бугун Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 858 корхона фаолият кўрсатмоқда, Россиянинг 106 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ва кенг кўламли йўналишларидан биридир. Жумладан, «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари томонидан Ўзбекистон ҳудудида углеводород конларини қазиш бўйича қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оқсаройда ўтган музокаралар чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Д.Козак давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни изчил чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

**(ЎзА)**

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 13 декабрь куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, нефть-газ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, енгил саноат, фан-таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Рустам Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Россия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларга асосланади. Ўзаро савдо ҳажми изчил ўсиб бормоқда.

— Ўзбекистон Россиянинг ташқи савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради, – деди ЎзА мухбирига Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Дмитрий Козак. – Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошаётганини эътиборга молик. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдордир.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, автомобилсозлик, авиаташув, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Н. МАНЗУРОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

## ХАРИДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

***Деярли ҳар куни сут маҳсулотларини истеъмол қиламиз. Зеро, қатиқ, қаймоқ, сметана, сариёғ, йогурт каби маҳсулотлар инсон организми учун жуда фойдалидир.***

Юнусобод туманида фаолият олиб бораётган «Milk fresh» масъулияти чекланган жамиятида айни кунда ўнга яқин сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу ерда йигирма нафар киши меҳнат қилаётир.

Мазкур корхона хом ашё – сутни Тошкент вилоятининг пойтахтимизга туташ туманларида фаолият олиб бораётган «Бўстонлиқ файз Зарипхон», «Мега чорвадор» каби бир қатор фермер хўжаликларидан олади.

– Корхонамизда кунига 5-6 тоннага яқин сут қайта ишланиб, махсус идишларга қадоқланади, – дейди жамият раҳбари Жаҳонгир Мирза-Аҳмедов. – Бу йил ишларимиз анча ривожланди, ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотнинг миқдорига эмас, балки сифатига жиддий эътибор қаратдик. Натижада маҳсулотимизнинг сифати янада яхшиланди, харидорларнинг сафи кенгайди.

2009 йилидан буён фаолият олиб бораётган мазкур корхонада маҳсулот сифати ва униг инсон саломатлигига зиён етказмаслигига жиддий эътибор қаратилади. «Milk fresh» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тумандаги махсус лабораторияда текширилади. Талаб даражасидаги товарлар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналарга, шунингдек, супермаркет ва озиқ-овқат дўконлари орқали аҳолига етказиб берилади.

Корхона раҳбари Жаҳонгир Мирза-Аҳмедовнинг таъкидлашича, келгуси йили банкдан кредит олиниб, жамият фаолиятини кенгайтириб, пишлоқ, бринза, йогурт каби сут маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

Тадбиркорнинг режалаштирган ишлари амалга ошса, маҳсулот тури ва сифати ошади. Шунингдек, яна ўн нафарга яқин йигит ва қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

**Абдуалим САЛИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИНИНГ ЮКСАК ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистонда истиқлол йиллари мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини мамлакатимизнинг хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган дипломатия ваколатхоналарига маълум қилмоқдалар.***

Жумладан, **Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг собиқ депутати, «Шиндонг Рисорсиз» компанияси президенти Ким Ёнг Гу** жорий йилда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллик байрами мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги санаси билан бир вақтда нишонланаётганидан мамнуният изҳор этди.

— Конституция – ҳар қандай давлатнинг асосий қонуни бўлиб, у ўзида демократиянинг инсон ҳуқуқлари муҳофазасини ҳамда мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган меъёрларни мужассамлаштиради, — деди у. — Ўзбекистон Конституцияси барча умум қабул қилинган халқаро талабларга жавоб бергани ҳолда унда илғор демократик давлатларнинг тажрибаси ҳам ўз аксини топган. Бу, ўз навбатида, республикада тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бирдек муҳофаза этилишига муҳим омил сифатида хизмат қилади».

Ким Ёнг Гун эътироф этганидек, Ўзбекистон халқи мустақиллик йиллари мобайнида эришилган муваффақиятлардан фахрланишга ҳақлидир. «Халқаро даражадаги юксак обрў-эътибор, барқарор ривожланаётган иқтисодиёт, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар – буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсатнинг бевосита маҳсулидир», деди кореялик эксперт. Ким Ёнг Гуннинг фикрича, давлат тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлмиш мамлакатимиз Асосий қонуни бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида жамоат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинишига доир моддаларнинг акс этгани ва бу мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг муҳим шарти саналиши ҳам кореялик эксперт томонидан эътироф этилди. Унинг маълум қилишича, Кореяда ҳам жамоат ташкилотлари давлат тизимининг муҳим таркибий қисми бўлгани ҳолда мамлакат тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Ким Ёнг Гун Ўзбекистон халқини мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги билан қутлар экан, халқимизга фаровон давлат барпо этиш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Ўз навбатида, **«The Korea Post» журналининг ноширии ва президенти Ли Кёнг Сик** Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён мамлакатимиз тараққиёти жараёнларини диққат билан кузатиб келаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, сўнгги 21 йил мобайнида юртимизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. «Журналимизда ажойиб мамлакатингиз ва унда ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги мақолалар мунтазам равишда чоп этилади», деди у.

– Конституция қабул қилинганидан буён ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт модели асосида танлаган йўлининг тўғри эканлиги ўз исботини топдики, бугунги кунда республикангиз собитқадам иқтисодий ўсиш суратларини намоён этмоқда, – дея таъкидлади Ли Кёнг Сик. – Бу эса давлатингиз раҳбарияти томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган изчил ислоҳотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётганидан ҳамда Ўзбекистон белгиланган марраларга эришиш йўлида ишончли қадам ташлаётганидан далолат беради.

**«Жаҳон» АА**
Сеул

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш омиллари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида тизимда олиб борилган маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари таҳлилига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида «Янги йил парвозлари» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида жорий йилда Фарғона вилоятининг 28 массивида 700 янги уй қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Мазкур массивларда 21 километр табиий газ, 20 километрдан зиёд ичимлик суви, 12,3 километр электр тармоқлари, 20 километр узунликдаги йўллар барпо этилди.**

● **Наманган шаҳрида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг форуми бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, тадбиркорлар иштирок этди.**

● **Жиззах шаҳрида йилига 2,5 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга янги корхона иш бошлади. Хорижнинг энг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган «Mir-Ulug'bek-MX» масъулияти чекланган жамиятда 56 киши иш билан таъминланди. Ишчиларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар ташкил этади.**

● **Гулистон шаҳрида «Камолот шахмат тахтаси» анъанавий республика турнири бошланди. Унда мусобақанинг таълим муассасалари, туман, шаҳар ҳамда ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган 126 нафар шахматчи ўзаро баҳс олиб бормоқда.**

### ЖАҲОНДА

● **Буюк Британия маъмурлари гарчи ушбу усул ер қимирлашини келтириб чиқариши мумкин бўлсада, газ қазиб чиқаришни фрекин йўли билан давом эттириш ҳақида қарор қилдилар.**

● **Таиланднинг собиқ бош вазири Абхисита Ветчачивга 2010 йилда мухолифатчилар намойиши иштирокчисининг ўлимида айблов эълон қилинди. «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра, собиқ бош вазир ҳукумат қўшинлари томонидан ҳалок этилган такси ҳайдовчисининг ўлимида айбланмоқда.**

● **Таганрогда қурилаётган уч қаватли бинонинг тўсатдан қулаб тушиши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди ва 8 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

***Куни кеча Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида «Тошкент қувончлари» IV Халқаро болалар расмлари биенналеси иш бошлади.***



Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

«Тошкент қувончлари» чорлайди

# ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ БОЛАЛАРИ НИГОҲИДА

Тадбирнинг очилиш маросимида маданият ва санъат намояндалари, рассомлар, ўқувчи-ёшлар ва уларнинг яқинлари иштирок этди. Унда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, «Тошкент қувончлари» IV Халқаро болалар расмлари биенналеси директори Т.Ғайбуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, улар қалбида эзгу ғояларни янада юксалтириш борасида санъатни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани, миллий ва дунё санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этишда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

— Халқаро биенналени ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, болалар ижодини қўллаб-қувватлаш, қобилиятли ёшларни рағбатлантириб бориш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари учун қулай ва кенг имкониятларни яратиб беришдан иборат, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов. — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Тошкент қувончлари» Халқаро кўргазмаси 2006 йилдан буён болалар ижодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёш мусаввирларнинг маҳоратини шакллантириш ва юксалтириш каби эзгу ишларга хизмат қилмоқда.

Жорий йилдаги кўргазмага 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўзбекистонлик ёш ижодкорлар билан бирга, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Хитой, Италия, Япония, Франция, Ҳиндистон, Австрия, Латвия, Сингапур, Исроил каби ўттизга яқин мамлакат болаларининг икки мингдан ортиқ ижодий ишлари тақдим этилди.

Ёшларнинг ижодий ишлари «Болалик дунёси», «Менинг орзуим», «Мен билган Ўзбекистон», «Менинг Ватаним» , «Мен яшаётган дунё» каби мавзулар асосида сараланмоқда.

— Мен Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 7-синфида таҳсил оламан, — дейди Муқаддас Ҳафизова. — Жорий йилда Москвада бўлиб ўтган «Яблочний спас» Халқаро кўрик-танловида қатнашиб биринчи ўринни эгалладим. Бу танловда эса «Менинг орзуим» деб номланган туркумда турли кўринишдаги расмларим билан иштирок этаяпман. Кўргазмада ўзбекистонлик ва хорижлик тенгдошларим ижоди, уларнинг орзу-ниятлари ҳақидаги таассуротлари билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлдим. Бу каби тадбирлар биз ёшларга яратилаётган имкониятлар эшигига нурли бир қадамдир. Келажакда моҳир рассом бўлиб етишмоқчиман.

Дарҳақиқат, «Тошкент қувончлари» IV биенналеси ўқувчи-ёшларимизнинг ижодий жараёнларини янада ривожлантириб, қўллаб-қувватлаб, тасвирий санъатга бўлган меҳрини ошириб боради. Шу билан бирга ёш мусаввирларнинг Ватан, миллий анъана ва қадриятлар, умрбоқий анъаналар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириб боради.

Расмларни томоша қилар эkансиз, содда ва самимий чизгиларда гўзал ҳаётимизнинг энг беғубор болалик ва ёшлик онларини ҳис қиласиз.

Бундай тадбирлар болаларимизнинг истеъдодларини шакллантирибгина қолмай, балки уларга ўз устиларида муттасил ишлаш, изланиш, ўқиш ва ўрганиш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Уларнинг иқтидорларини юзага чиқариш, тўғри йўналтириш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

«Тошкент қувончлари» IV Халқаро биенналеси доирасида моҳир рассомлар, ҳайкалтарошлар, дизайнерлар ва санъатшунослар иштирокида маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар ҳам уюштирилмоқда.

Кўргазма 15 декабргача бўлиб ўтади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг бандлик ва меҳнат вазири Ли Чэ Пил раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Актам Ҳаитов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналиш қатори иқтисодий соҳада, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлик даражасини ошириш йўналишида ҳам изчил тараққий этаётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир.

Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган тўрт юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз машинасозлик, энергетика, енгил саноат, фармацевтика, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари, нефть-кимё ва электрон техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш борасида ҳам Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOIKA) билан ҳамкорликда Тошкентнинг Сергели туманида ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш марказида юзлаб ёшлар машинасозлик, электротехника, электроника, ахборот технологиялари, автомобилларга хизмат кўрсатиш каби йўналишларда таҳсил олмоқда.

Учрашувда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш борасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

***Кейинги пайтларда мамлакатимизда турли соҳаларда ёшларнинг маънавиятини ошириш, билим ва салоҳиятларини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган ёшларимиз мамлакатимиз таянчига айланмоқдалар.***

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР САРИ ҚАДАМ

Яккасарой туман ҳокимлиги билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ҳокимлик ва ёшлар» лойиҳасининг ташкил этилгани ҳам ёшларни бугунги кунда ўйлантириб келаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланди.

Лойиҳа доирасида ўтказилган учрашувда туман Тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман имом хатиби ҳамда туманда жойлашган банк муассасалари вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида кўп учрайдиган масалаларни ҳал қилиш орқали уларни озод ва обод Ватанимизни асрашдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жисмонан соғлом, маънан етук, дунёқараши теран, мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқароларни вояга етказишдир.

Учрашув сўнггида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган ҳамда корхона-ташкилотларда фаолият юритаётган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб кенг кўламдаги маълумотларга эга бўлишди. Бу каби учрашувларнинг тез-тез ўтказилиб туриши ҳақида таклифлар билдиришди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

Қарор ва ижро

# КАДРЛАР МАЛАКАСИ ОШМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, журналистлар иштирок этди.***

«Истеъдод» жамғармаси директорининг ўринбосари Д.Ортиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур жамғарма узлуксиз таълим тизими ҳамда илм-фанни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Жамғарма базасида педагогларнинг малакасини ошириш мақсадида Масофали ўқитиш маркази фаолият юритмоқда. Бу ерда ишлаб чиқилган махсус дастурлар асосида умумтаълим мактаблари, Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари ва илмий кадрлари малакасини ошириш йўлга қўйилган. Ҳозиргача бундай курсларда 10 минг нафардан ортиқ ёш педагог ва илмий кадрлар, Олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларининг 4314 нафар раҳбари ўз билим ва салоҳиятини янада бойитди.

Турли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда сайёр курслар, ўқув-семинарлари ташкил этилаётир. Жамғармада яратилган махсус веб-саҳифа ёрдамида ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш, маънавият ва маърифат, инновацион технологиялар, тарбиявий ишларни ташкил этиш, таълим муассасалари бошқаруви каби йўналишларда курслар тақдим этилган.

Жамғарма томонидан «Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, бошқариш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш», «Республика таълим муассасалари педагог ва раҳбар ходимларини мақсадли масофали малакасини ошириш тизимини яратиш» каби илмий-тадқиқот лойиҳалари натижасида жаҳон андозаларига мос, замонавий масофали малака ошириш тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси ушбу жамғарма зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. Жамғарма томонидан педагогларнинг бу борадаги билим ва малакасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Назокат УСМОНОВА**

***Ҳозир дорихоналарда турли касалликларни даволашга мўлжалланган дори-дармонлар бисёр. Улар орасида маҳаллий дори-дармон воситалари камроқ. Аксарияти хориждан келтирилгани боис истеъмолчиларга қиммат туюлади.***

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА

Ана шу муаммони ижобий ҳал этиш йўлида Республика биоорганик кимё институти олимлари самарали изланмоқдалар. Технологик лабораторияда чигитдан олинган қорамойни қайта ишлаш ва экстракция қилиш натижасида ажратиб олинган госсилол хоссалари ҳам тадқиқ қилинди.

Клиник шароитда синовдан ўтказилган доривор воситалар ҳам амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, жигар хасталигига фойдали бўлган «Рогасин» препарати ҳам муҳим янгилик бўлди. Бу таблетка Тошкент шаҳридаги бир нечта клиникада синаб кўрилгач, уларда касаллик аломатларининг йўқолиши кузатилди. Институт олимлари юрак-қон томир касалликлари учун маҳаллий хом ашёлар асосида доривор препаратлар яратиш жараёнларини давом эттиришмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

# ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократикислоҳотлар қонун устуворлигини таъминлаш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Янги 2013 йил – Обод турмуш йилида инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини муҳофаза этиш ишлари кўлами янада кенгайиши шубҳасиз.

Мамлакатимиздаги барча ислоҳот ва янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тўла акс этган. Ушбу кафолатларга кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Пленум йиғилишида муҳокама этилган «Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Олий суд пленуми қарори лойиҳаси ҳам шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Бу Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг мантиқий давоми бўлиб, ҳар иккала қарор ҳам жиноят процессида қонунийликни таъминлаш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган. Чунки ашёвий далиллар жиноят ишида шахснинг айбини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигини исбот этувчи воситалардандир. Шу боис жиноят процессида далиллар энг зарур ва мураккаб масала сифатида ўрин тутади.

Ашёвий далиллар тушунчаси ҳуқуқ назариясида пухта белгиланган бўлса-да, ушбу тушунчанинг айрим жиҳатлари юзасидан назарияда ҳам, амалиётда ҳам турлича мунозаралар йўқ эмас. Шу сабабли, пленум қарори лойиҳасида дастлабки тергов ва суд амалиётида ашёвий далиллар билан боғлиқ ҳолда учрайдиган хато ва камчиликлар ечимини ёритиб бериш хусусида тегишли тушунтиришлар берилган. Улар жиноят ишларини юритиш чоғида қонунийликка қатъий амал қилиш, адолатли қарор қабул қилишда ўз самарасини беради. Натижада, шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланади, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи кафолати янада мустаҳкамланади.

Мазкур қарор мазмун-моҳияти билан қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида судларга раҳбарий кўрсатмалар бериш, бир сўз билан айтганда, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Пленумда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

**(ЎзА)**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# ЭҲТИЁТКОРЛИК ЧОРАЛАРИ — ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

***Юртимизда 20 ноябрдан 20 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Уни ўтказишдан асосий мақсад фуқароларимиз томонидан йўл қўйилаётган эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларнинг олдини олишдир.***

Бу каби ҳолатлар хонадонларда газдан фойдаланганда хавфсизлик чораларига риоя қилмаслик, уни ноқонуний йўллар билан ишлатиш оқибатида келиб чиқмоқда. «Тошшаҳаргаз» филиали томонидан ушбу ойни намунали ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Айни пайтда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксариятига фуқароларнинг газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиши сабаб бўлмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ёнғинга қарши кураш жамияти етакчи мутахассиси Абдулазиз Нигманов. — Ота-боболаримиз ҳар гал дуо қилганда «ўт балосидан, сув балосидан асрасин» деган гапни бекорга айтмаган. Агар газ ва оловдан тўғри фойдалансак, у бизнинг оғиримизни енгил қилади. Аксинча ҳолатда эса ҳаммага ёмон бўлиши тайин. Айнан шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишимиз, газ мосламаларига эҳтиёткорлик билан ёндашишимиз керак. Шунда нафақат ўзимизни, балки атрофдагиларни ҳам турли кўнгилсиз вазиятлардан сақлаган бўламиз. 2012 йилда жамиятимиз Миробод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида фаолият олиб бормоқда. Келажакда иш доирамизни кенгайтирган ҳолда бутун пойтахтни қамраб олмоқчимиз.

Ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган мослама ва ускуналарни қандай ишлатиш кераклигини аҳолига тушунтириш, улар орасида бунинг тарғиботи билан шуғулланишни энг долзарб масалалардан бири десак муболаға бўлмайди. Айнан шу ҳолатларни ҳисобга олган «Тошшаҳаргаз» ходимлари Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, унинг туман бўлимлари билан ҳамкорликда ишчи гуруҳини тузган ҳолда маҳаллаларда, ўқув муассасаларида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Юқорида табиий газдан ноқонуний фойдаланувчилар борлигини айтиб ўтгандик. Ўтказилган тадбирлар давомида ана шундай ҳолатларнинг 145 таси аниқланди. Уларнинг 94 тасида резина шлангдан фойдаланилган бўлса, 51 тасида газ ўзбошимчалик билан улаб олингани маълум бўлди ва тегишли чоралар кўрилди.

Газни бекорга табиий бойлик дейишмайди. Шундай экан барчамиз ундан унумли фойдаланишимиз, доимо хавфсизлик чораларига эътибор қаратишимиз керак. Маданиятнинг ҳар қандай кўриниши оилада шаклланади. Бу эса ўз навбатида ота-оналарга катта масъулият юклайди. «Обод турмуш йили»да ҳеч кимнинг уйида ёнғин бўлмасин. Турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

**Равшан ЮНУСОВ**

***Бугунги кунда кўпчилик ота-оналар олов билан боғлиқ ишларда, айтайлик, овқат пишириш, чой қўйиш сингари уй-рўзғор юмушларида лоқайдликка берилиб, бу юмушларни болаларга топшириб қўйишади.***

# ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Яшаш жойларида бўлгани каби иш жойларида ҳам ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга лоқайд муносабат ҳамон сақланиб қолаётганлиги ташвишланарлидир. Бунинг натижасида жойларда турли даражадаги ёнғинлар содир бўлиб турибди.

Шу сабабли давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати мунтазам текшириб турилади, оммавий ахборот воситалари орқали ёнғинларнинг олдини олиш мақсадларига қаратилган чиқишлар қилинади, профилактика тадбирлари ўтказиб борилади. Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқликлар туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғин содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўпларнинг моддий бойликларининг кулга айланишига, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Биз фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан ҳоли бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларнинг бартараф этилишида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки,ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини ҳеч ким унутмаслиги зарур.

**Нодира СОЛМОНОВА,**
**23-ХЁХҚ ходими капитан**

## КОММУНАЛ ХИЗМАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ







# ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

## бунга ҳар биримиз масъулият билан ёндошмоғимиз лозим

Мана, қиш ҳам эшик қоқди. Иссиқ-илиқ кунлар ўтиб, совуқ ҳам тушиб қолди...

Хўш, қарийб уч миллион киши истиқомат қиладиган мегаполис шаҳримиз қишга тайёрми? Кўп қаватли турар жойлар, маҳаллаларимиздаги ҳовлиларимиз, корхона ва ташкилотларда кузги-қишки тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилганми? Иситиш тизимлари таъмирланиб, ишга шай қилиб қўйилганми? Ҳамма жойда иситиш қувурлари ишга туширилганми? Муаммолар йўқми? Томдан чакка ўтмаяптими? Қаердадир иссиқ сув қувури тешилиб қолмаганми?..

Шу каби саволларга том маънода қишнинг ўзи жавоб беради. Ахир, *қиш тайёргарликни ёқтиради*, деган гап бекорга айтилмаган. *«Ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан»*, – деган мақол замирида киши ёзда ҳам ўзини асраши, қишда эса икки-уч карра эҳтиёт бўлишга даъват мавжуд. Тайёргарлик борасида мутасадди ташкилотлар томонидан барча тегишли ишлар амалга оширилган. **Коммунал соҳасида баъзан юзага келаётган муаммоларни тезда бартараф этиш мақсадида шаҳарда алоҳида штаб фаолият олиб бормоқда.**

Мамлакатимизнинг энг катта бойлиги – халқимиз. Аҳолининг турмуш фаровонлигига эришиш асосий ғояларимиздан бири ҳисобланади. Фаровонликнинг энг бирламчи талаби – саломатлик. Инсон касалликка кам чалиниши, хуш кайфиятга эга бўлиши учун уйида, иш жойида шароити яхши бўлиши керак. Буни ҳаммамиз истаймиз, ҳамиша шунга интиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилар эканлар, *ободлик* тушунчасининг фалсафий маъноларини, унинг теран миллий илдизларини таҳлил қилиб бердилар. Жумладан, бу тушунча инсоннинг бахтли яшаши учун муҳим омил сифатида қуйидагича талқин этилди: ***«Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади».***

Юртбошимиз маърузаларида яна *«Мустақиллик йилларида «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани»* ҳам таъкидланди.

Жамиятда бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳаёт – шуниси билан қизиқ. Фаровон турмуш кечиришимиз учун бизга турли хизматлар кўрсатилади. Совуқ сув уйингизгача келтириб берилган – жўмракни бурайсиз, тоза ичимлик суви оқади. Кўп қаватли турар жойларда иссиқ сув ҳам хонадонга кирган. Қайноқ сув батареяларда айланиб, уйларимизни иситади. Газ узлуксиз келиб турибди... Қаерда яшамайлик, чиқиндиларни ташлайдиган махсус жойлар бор. Чиқиндилар ўз вақтида олиб кетиб турилиши керак, албатта. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизматини ҳам эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Шу билан бирга, бу соҳаларда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигини яхши биламиз. Аммо уларни тезда бартараф этишда баъзан озгина ҳамжиҳатлик етишмайди. Буни тан олишимиз керак.

Албатта, қишга тайёргарлик, ҳудудларнинг ободлиги ва орасталигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳалла оқсоқоли, участка нозири, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда фуқароларнинг узвий ҳамкорлиги, бир ёқадан бош чиқариб ишлашига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, зиёлилар, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларининг жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасидаги самарали меҳнатларини қадрлаймиз.

Бироқ баъзилар ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларда ободлик, қишга тайёргарлик ишларида бир оз лоқайдликка берилгандек кўринади. Маҳалла ободлиги йўлида ҳам улар қўлларидан келадиган ҳар қандай ёрдамни аямасдан бош қўшсалар, нур устига нур бўлур эди. Ахир, бугунгидек қулай шароитларга эришиш учун кўпларнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати синггáн.

Шундай шароитга эриштиришда ҳиссаси бор кишилардан миннатдор бўлишимиз лозим.

Ҳар қандай хизмат учун муайян маблағ сарфланади. Ишлатилган ана шу маблағ қайтмаса, бундай хизматнинг давомли бўлишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Совуқ сувни, иссиқ сувни, электр токини, газни, иситиш тизимини ва ҳоказоларни ишлатдикми, ҳақини ўз вақтида тўлашимиз – шарт. Акс ҳолда, биз ўша хизмат кўрсатган ташкилотдан қарздор бўлиб қоламиз. «Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса, чўл бўлур», – деганларидек, бир киши қарздор бўлса-ку – хўп-хўп, аҳолининг катта қисми қарзларини ўз вақтида тўламаса, нима бўлади? Мисол учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати кўп қаватли уйнинг томини вақтида таъмирлай олмайди ва ҳоказо. Аниқроқ айтилса, бир қўшнининг айби билан бошқа қўшни жабр кўради.

Маълумотларга қараганда, шаҳримизнинг хусусий ҳовлилардан иборат маҳаллаларида яшайдиган аҳоли ўртасида, айниқса, газдан қарздорлар миқдори кўпроқ.

Муқаддас динимизда худойи қилишдек мурувват кўрсатишнинг ниҳоят даражада юксак анъанаси шаклланган. Аммо, *қарзи йўқ одамнинггина худойиси даргоҳида қабул бўлади*, деган гап ҳам бор-да. Баъзилар қарз деганда бировдан омонатга олинган нақд пулнигина тушунади. Йўқ, совуқ сувни, иссиқ сувни, иситиш тизимини, электрни, газни ва ҳоказоларни ишлатиб, ҳақини тўламаслик ҳам – бировдан нақд пул олиб, ваъда қилинган вақтида тўламаслик билан айнан бир нарса.

Зеро, кўрсатилган хизматлар ҳақининг ўз вақтида тўлаб борилиши ҳам амалда иқтисодий тараққиётнинг изчиллигини таъминлайди.

*«Қарс икки қўлдан чиқади»*, – деган мақол бекорга айтилмаган. Моҳиятан бу даъватлар ўз уйимиз, маҳалламиз, кенг маънода Ватанимиз ободлигини таъминлашда ҳар биримизнинг зиммамизда муайян вазифа, бурч ва масъулият борлигини яна бир карра эсга солиб, қатъий тарзда уқтиргандек бўлади...

● **Қуйида шаҳримизнинг ҳар бир тумани бўйича коммунал хизматларга боғлиқ маълумотлар олишингиз учун зарур телефон рақамларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.**

# ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз истиқомат қилаётган уйда иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси ва газ таъминоти бўйича авария ҳолатлари ёки носозликлар юзага келганда, шунингдек, уйингизга хизмат кўрсатаётган ширкат фаолияти бўйича камчиликлар аниқланган ҳолларда туман коммунал авария тиклаш-таъмирлаш хизматига, туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Тумангаз», «Тошиссиққуввати», «Туман электр тармоқлари», «Сувсоз» ва «Махсустранс» корхоналарининг қуйидаги авария диспетчерлик телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин.

## Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг телефон рақамлари рўйхати

### МИРОБОД ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Миробод туман ҳокимияти ШТАБИ | 233-29-86 |
| «Туман газ» | 254-15-61 |
| «Туман электр тармоқлари» | 291-15-92 |
| «Махсустранс» | 291-47-55 |
| «Сувсоз» | 292-02-78 |
| «Тошиссиққуввати» | 299-59-60 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 255-46-44 |
| КТАТХ корхонаси | 233-48-67 |

### БЕКТЕМИР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Бектемир туман ҳокимияти ШТАБИ | 295-02-46 |
| «Туман газ» | 295-14-43 |
| «Туман Электр тармоқлари» | 295-10-62 |
| «Махсустранс» | 292-88-48 |
| «Сувсоз» | 295-16-28 |
| «Тошиссиққуввати» | 295-12-25 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 295-50-25 |
| КТАТХ корхонаси | 295-09-53 |

### МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти ШТАБИ | 268-94-04 |
| «Туман газ» | 267-46-24 |
| «Туман электр тармоқлари» | 267-58-15 |
| «Махсустранс» | 266-79-82 |
| «Сувсоз» | 265-38-54 |
| «Тошиссиққуввати» 3.1 | 267-12-26 |
| «Тошиссиққуввати» 3.2 | 268-32-07 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 267-55-94 |
| КТАТХ корхонаси | 267-49-52 |

### ОЛМАЗОР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Олмазор туман ҳокимияти ШТАБИ | 227-11-03 |
| «Туман газ» | 248-35-48, 248-38-39 |
| «Туман электр тармоқлари» | 242-98-20, 242-98-21 |
| «Махсустранс» | 248-51-70 |
| «Сувсоз» | 246-99-56, 246-10-54 |
| «Тошиссиққуввати» | 228-01-71, 248-38-78 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 227-12-28 |
| КТАТХ корхонаси | 229-24-09 |

### СЕРГЕЛИ ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Сергели туман ҳокимияти ШТАБИ | 257-91-11 |
| «Туман газ» | 144-89-09, 258-84-33 |
| «Туман электр тармоқлари» | 258-68-81, 258-38-60 |
| «Махсустранс» | 250-97-54 |
| «Сувсоз» | 258-36-42, 258-96-32 |
| «Тошиссиққуввати» | 258-09-95 , 257-27-54 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 258-84-57 |
| КТАТХ корхонаси | 258-71-25 |

### УЧТЕПА ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Учтепа туман ҳокимияти ШТАБИ | 274-19-23 |
| «Туман газ» | 274-44-34, 274-04-80 |
| «Туман электр тармоқлари» | 274-14-81, 274-24-18 |
| «Махсустранс» | 247-95-23, 247-03-32 |
| «Сувсоз» | 274-83-45, 274-57-69 |
| «Тошиссиққуввати» | 275-05-73 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 274-16-72, 217-23-63 |
| КТАТХ корхонаси | 274-27-61 |

### ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Шайхонтоҳур туман ҳокимияти ШТАБИ | 241-91-32 |
| «Туман газ» | 242-39-26, 242-52-47 |
| «Туман электр тармоқлари» | 278-87-11, 278-97-62 |
| «Махсустранс» | 243-12-84, 243-12-19 |
| «Сувсоз» | 245-78-66 |
| «Тошиссиққуввати» | 249-45-99, 249-53-44 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 242-03-81 |
| КТАТХ корхонаси | 242-71-97, 242-03-81 |

### ҲАМЗА ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Ҳамза туман ҳокимияти ШТАБИ | 283-33-32 |
| «Туман газ» | 296-39-61 |
| «Туман электр тармоқлари» | 291-87-29 |
| «Махсустранс» | 291-47-52 |
| «Сувсоз» | 294-52-62 |
| «Тошиссиққуввати» | 296-35-02 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 296-28-42 |
| КТАТХ корхонаси | 296-54-00 |

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Чилонзор туман ҳокимияти ШТАБИ | 276-90-90, 276-90-02 |
| «Туман газ» | 278-06-07, 278-09-99 |
| «Туман электр тармоқлари» | 277-13-63, 277-19-72 |
| «Махсустранс» | 216-29-65, 279-86-65 |
| «Сувсоз» | 277-98-69, 277-98-70 |
| «Тошиссиққуввати» | 278-40-12, 278-40-98 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 277-85-30, 288-25-76 |
| КТАТХ корхонаси | 273-84-60, 273-84-82, 056 |

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Юнусобод туман ҳокимияти ШТАБИ | 237-61-41 |
| «Туман газ» | 212-25-52 |
| «Туман электр тармоқлари» | 225-00-65 |
| «Махсустранс» | 223-55-36 |
| «Сувсоз» | 235-14-02, 235-25-64 |
| «Тошиссиққуввати» | 223-30-42 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 235-61-05 |
| КТАТХ корхонаси | 212-14-10 |

### ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| Яккасарой туман ҳокимияти ШТАБИ | 281-54-50 |
| «Туман газ» | 255-49-59 |
| «Туман электр тармоқлари» | 250-19-67 |
| «Махсустранс» | 250-92-35 |
| «Сувсоз» | 255-05-50 |
| «Тошиссиққуввати» | 255-71-81 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 255-74-07 |
| КТАТХ корхонаси | 254-06-86 |

**Юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотлар томонидан камчилик бартараф этилмаган ҳолларда шаҳар ҳокимлигининг марказлашган 055 (1055) диспетчерлик хизматига мурожаат қилинг.**

## 2013 йил – Обод турмуш йили

# МАМЛАКАТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

***Тоза-озода хонадонга кирган кишининг баҳри дили очилгани каби обод ва кўркам маҳаллада ҳам доим хушкайфият ҳукм суради. Одамлар ҳаётидан рози бўлиб, тинчлик-хотиржамликда умргузаронлик қилади.***

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир.

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланаётир. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ўттиздан кўпроқ ижтимоий-иқтисодий вазифани самарали бажармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнатини, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда барқарорлик ва тотувликни таъминлашдаги ҳиссасини муносиб рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Президентимиз 2013 йилни Обод турмуш йили деб эълон қиларкан, ушбу эзгу ғояни рўёбга чиқаришда маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада кучайтиришни таъкидлагани бизни ғоят қувонтирди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Кўкча Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собит Имомов. – Бу мамлакатимизда маҳалла ва оила институтларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлади.

Ушбу ислоҳотлар самаралари мазкур маҳалладаги озода ва файзли хонадонлар, одамларнинг фаровон ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қарийб ўн бир мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада жамоатчилик фаолиятининг ҳар бир йўналиши тизимли ташкил этилган. Эл орасида обрў-эътибор қозонган маслаҳатчилар, фаол аёллар, посбонлар, комиссиялар раислари, ташаббускор ёшлар ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Маҳалла биносига кираверишдаги туркум плакатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий ва амалий фаолияти, давлатимиз томонидан уларга қаратилаётган эътибор ҳақида яққол тасаввур беради. Замонавий гузар доимо нуронийлар ва ёшлар билан гавжум. Бу ерда авлодлар учрашувлари ва мулоқотларини ташкил этиш, спорт, маданий, маърифий тадбирлар уюштириш яхши анъанага айланган.

Маҳаллада «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли тўгаракларнинг ташкил этилгани ёшлар, айниқса, қизларга ҳунар ўргатиш, уларни оилага тайёрлашга хизмат қилмоқда. «Тенгдош-тенгдошга» тамойилининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши дарсларни ўзлаштиришда ортда қолаётган, тарбияси оғир ўқувчиларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалла маслаҳатчиси ва посбонининг алоҳида ўрни бор. Улар ҳар бир оиладаги аҳвол, ёшларнинг феъл-атвори, юриш-туришидан доимий хабардор бўлиб, зарур пайтда керакли маслаҳат ва тавсиялар беради. Айниқса, ёшлар, янги оила қураётган йигит-қизлар билан алоҳида суҳбатлар уюштириб, уларни турли ёт ғоя ва таъсирлардан асраш, ҳар жиҳатдан соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига алоҳида эътибор қаратади.

Мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги бўғинларига тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ҳам махсус ҳамкорлик дастури асосида иш олиб борилмоқда. Бу ёшлар бандлигини таъминлаш билан бирга маҳалладаги маънавий муҳитни яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Кейинги йилларда бу ерда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмади. Маҳалладан етишиб чиққан ёшлар спорт, таълим ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Маҳалла ҳудудида тозалик, озодаликни таъминлашда ободонлаштириш ва ёшлар билан ишлаш комиссияларининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовордир. Ҳар бир кўчада фаолият юритаётган кўчабошилар хонадонлар, кўчалар, ҳудудда жойлашган инфратузилмалардаги тозалик ишларини мунтазам назорат қилиб боради. Чиқиндиларни ташиб кетишдан тозалик-озодаликка риоя этишгача бўлган ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилган. Маҳаллада «Махсустранс» машиналари келиб-кетиш графиги қайд этиладиган махсус дафтар тутилган. Шу боис, кўчалар бўйлаб юраркансиз, бирор жойда хазон, шох-шабба ёки чиқит тўпланиб ётганини кўрмайсиз.

Маҳалла аҳли нафақат ўзи яшаётган ҳудуд, балки туманнинг бошқа жойларини ҳам ободонлаштиришга ўз улушини қўшмоқда. Ўтган йилларда уларнинг фаол иштирокида тумандаги бир қатор тиббий-ижтимоий ва таълим муассасалари атрофида янги боғлар яратилди. Бу йил маҳалла ҳудудида бўш ётган ўттиз сотихдан кўпроқ жойга кўчат экилиб, ободонлаштирилади.

Бу ерда оилавий тадбиркорлик, хусусан, тикувчилик, ҳунармандлик тобора ривожланмоқда. Ҳозирда ўнлаб ёшлар моҳир ҳунармандлардан касб сирларини ўрганмоқда. Аҳолига бу борада ҳуқуқий ва молиявий кўмак кўрсатиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Халқ банкининг Учтепа тумани бўлими мутахассислари иштирокида мунтазам учрашув ва мулоқотлар ташкил этилаётир.

Тўй-маросимларни миллий қадриятларимизга мос тарзда ўтказиш борасида ҳам ўзига хос тажриба шаклланган. Кимдир тўй-маърака бошламоқчи бўлса, аввало, маҳалла оқсоқолидан маслаҳат олади. Ортиқча маблағ эса маҳаллани ободонлаштириш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда. Жорий йилнинг ўзида ана шундай саховат ишлари самарасида иккита кўча таъмирланди, кам таъминланган хонадонларга тўй-маросимларни ўтказиш ва уй-жойларини таъмирлашда кўмаклашилди.

– Маҳалламизда ўзига тўқ оилалар кўп, – дейди С.Имомов. – Кунда-кунора бирон тўй-маросим ўтказилади. Хайриятки, кейинги пайтларда фалон кило ош дамлаб, фалонча одам чақирсам, деган ҳою ҳаваслар барҳам топаётир. Одамларнинг онгу тафаккури ва дунёқараши ўзгармоқда. Тўй ва маросим эгалари дабдабозликка кетадиган маблағнинг ўрнига бирон кўчадаги таъмирталаб асфальтни тўғрилаб, қўни-қўшнисининг дуосини оляпти.

Маҳалладаги санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги натижалари туфайли «Кўкча Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини жорий йилги «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловида учинчи ўринга сазовор бўлди.

Обод турмуш йилига ана шундай ютуқлар билан кириб келаётган мазкур маҳаллада янги йилда амалга ошириладиган ишлар кўлами ва салмоғи янада ошиши аниқ. Зеро, мамлакат ободлиги ва фаровонлиги маҳалладан бошланади.

**Баҳор ХИДИРОВА**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **15 декабрда** ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 8-10, кундузи – 3-5 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағмиқдори паст бўлади.*

